



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДА ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО АРБИТРАЖ МАРКАЗИНИ (ТИАС) ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда юқори даражада қулай инвестиция муҳитини шакллантириш мақсадида иқтисодий либераллаштириш, сармоядорлар, айниқса, хорижий инвесторлар фаолияти учун қулай ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, халқаро иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда бизнес субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, кафолатларини таъминлаш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва мамлакатимизнинг инвестициявий жозибдорлигини оширишда низолатни ҳакамлик судларида ҳал қилиш механизмнинг жорий этилгани алоҳида аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектлари, аввало, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишга, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибдорлигини оширишга тўққинлик қилаётган қатор тизимли муаммолар мавжуд. Хусусан:

Биринчидан, Ўзбекистон ҳудудида халқаро арбитраж фаолиятини тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий базанинг мавжуд эмаслиги низолатни ҳал этиш учун хорижий давлатлар ҳудудида жойлашган халқаро арбитражларга мурожаат қилишга мажбур бўлаётган хорижий инвесторлар ва маҳаллий тадбиркорлик субъектлари сарф-харажатларининг ошишига олиб келмоқда;

Иккинчидан, амалдаги қонун ҳужжатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги қонуни томонларнинг

инвестициялар билан боғлиқ низолатни халқаро арбитраж соҳасидаги стандартларга мувофиқ, хорижий арбитражларни жалб этган ҳамада хорижий ҳуқуқни қўллаган ҳолда қўриб чиқиш имкониятларини чекламоқда;

Учинчидан, Ўзбекистонда халқаро арбитраж қарорларини ижро этишнинг аниқ ҳуқуқий механизмлари шакллантирилмаганлиги хорижий инвесторларнинг мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизими бўлган ишончига салбий таъсир кўрсатмоқда, оқибатда республиканинг инвестициявий жозибдорлигини пайсизирмоқда;

Тўртинчидан, маҳаллий арбитражлар ва халқаро арбитраж соҳасидаги бошқа мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш фаолияти йўлга қўйилмаган.

Инвестициялар билан боғлиқ низолатни халқаро арбитраж орқали ҳал этишнинг замонавий ва халқаро стандартларга асосланган механизмларини шакллантириш, инвестиция муҳитини яхшилаш, инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиниши кафолатларини мустаҳкамлаш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Адлия вазирлигининг нодавлат нотариат ташкилот макомига эга **Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Тошкент халқаро арбитраж марказини ташкил этиш** (кейинги ўринларда – Марказ) тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин ва унинг

асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

а) турли давлатларда жойлашган тижорат ташкилотлари, шу жумладан, хорижий инвесторлар ўртасида юзга келадиган шартномавий ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолатни, хусусан, инвестициялар, интеллектуал мулк ва блокчейн технологиялари билан боғлиқ низолатни халқаро арбитраж орқали ҳал этишни ташкил этиш;

б) низолатни халқаро арбитраж ва низолатни ҳал этишнинг бошқа муқобил усуллари орқали ҳал этиш механизмларини ривожлантириш ва такомиллаштириш;

в) етакчи хорижий арбитражлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, халқаро арбитраж орқали низолатни ҳал этиш соҳасида тажриба алмашиш, шунингдек, Марказда низолатни ҳал этишга хорижий арбитражларни жалб қилиш;

г) халқаро арбитраж, шу жумладан, инвестициялар билан боғлиқ низолатни суддан ташқари ҳал этиш соҳасида мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, ушбу йўналишда тадқиқотлар ўтказиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш;

д) маҳаллий ва хорижий ҳужалик юритувчи субъектлар, хусусан, хорижий инвесторларга инвестиция билан боғлиқ, шу жумладан, томонлардан бири давлат бўлган низолатнинг вужудга келишининг олдини олиш соҳасида консултация хизматларини кўрсатиш.

2. Белгилансинки: Марказга арбитр сифатида Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган мутахассислар билан бир қаторда

хорижий давлатлар фуқароси бўлган малакали арбитрлар ҳам жалб этилиши мумкин;

томонларнинг келишувига кўра, низолатни ҳал этишда Марказ арбитрлари томонидан бошқа, шу жумладан, хорижий давлатнинг ҳуқуқи қўлланиши мумкин;

Марказ арбитрларининг қарорлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳакамлик судлари қарорларини ижро этиш учун қонун ҳужжатларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида кўзда тутилган тартибда ижро этилади;

Марказда ёзишмалар ва иш юриштиш ўзбек, рус ва инглиз тилларида олиб борилади;

судлар ўз ваколатлари доирасида ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда арбитраж ишлари қўрилишида далиллар олиш, тўплаш, Марказ арбитрлари қарорларининг ижросини таъминлаш бўйича чоралар қўриш борасида Марказга кўмаклашади;

Марказнинг Ўзбекистон Республикаси норезиденти бўлган арбитрлари арбитр функцияларини бажаргани учун гонорар сифатида олинган маблағлар қисми учун жисмоний шахсларнинг даромадидан олинмаган солиқ тўлашдан озод этилади;

низолатни халқаро арбитраж йўли билан ҳал этишга хорижий давлатлар фуқароларини Марказ арбитрлари ва экспертлар сифатида жалб этиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсатнома олиш талаб этилмайди;

► Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ХАЛҚАРО ҲУНАРМАНДЧИЛИК ФЕСТИВАЛИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимизнинг қадимий тарихи ва маданий ҳаётини ҳар томонлама кенг ёритиш, номоддий маданий меросимиз бўлган кўп қиррали ўзбек миллий ҳунармандчилигини кенг намойиш қилиш, унинг ноёб намуналарини тарғиб этиш, шунингдек, ушбу йўналишда ўзаро тажриба алмашиш орқали турли халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, маданий-гуманитар алоқаларни халқаро миқёсда кучайтириш, авлоддан-авлодга ўтиб келадиган касбий аъёнлар ва ҳунармандчилик мактабларини сақлаш ва қайта тиклаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, «Ҳунарманд» уюмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлигининг ҳар икки йилда бир марта Қўқон шаҳрида Халқаро ҳунармандчилик фестивалини (кейинги ўринларда Фестиваль деб аталади) ташкил этиш, биринчи марта ушбу фестивални ҳамда Фестиваль доирасида «Ҳунармандчилик ва халқ амалий санъатини ривожлантириш истиқболлари» мавзусида илмий-амалий конференцияни 2019 йилнинг 10-15 сентябрь кунлари ўтказиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

2. Халқаро ҳунармандчилик фестивалига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Халқаро ҳунармандчилик фестивалини ўтказиш тартиби тўғрисида низолати ҳамда 2019 йилда Халқаро ҳунармандчилик фестивалини ўтказиш бўйича «йўл харитаси»ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Ташкилий қўмитага (А.Арипов): Фестивални ўтказиш бўйича кўзда тутилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш; Фестиваль совриндорларига топшириладиган диплом, сертификат, ҳайкалчалар намуналарини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Фестивални ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этиш вазифалари юклансин.

► Давоми 2-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Жорий йилнинг 3 ноябрь куни Вазирлар Маҳкамасида 2018 йилнинг қўйилган яқунлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил учун асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари прогнози, солиқ ва бюджет сийсати концепцияси, Давлат бюджет лойиҳаси муҳокама-сига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг босқичма-босқич амалга оширилиши, иқтисодий соҳаларини жадал ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича қабул қилинган чоралар жорий йил учун белгиланган макроеқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилишини таъминлаб бераётгани таъкидланди.

Маҳаллий ҳокимият органларининг маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришдаги эркинлигини ошириш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш, шунингдек, аграр секторни ислоҳ қилиш ва валюта бозорини либераллаштириш бўйича қабул қилинган тадбирлар натижасида 2018 йил якунларига кўра, Давлат бюджетига даромад тушумлари прогноз кўрсаткичларининг ошириб бажарилиши кутилмоқда.

Давлат бюджети параметрларининг даромад қисми прогнози кўрсаткичлари ошириб бажарилиши харажатлари кўпайтиришга, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданият ва ижтимоий соҳа бошқа йўналишларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва сифатини оширишга йўналтирилган

► Давоми 2-бетда.

Аввал хабар берганимиздек, 1 ноябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топган сана муносабати билан партия Марказий Кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда партия Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Қорақалпоғистон Республика, вилоятлар, Тошкент шаҳар кенгашлари раҳбарлари, партия экспертлари, фаоллар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.



АЙРИМ ДЕПУТАТЛАР ҚЎЛ КЎТАРИШДАН НАРИГА ЎТМАЯПТИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши пленуми танқидий руҳда ўтди

Пленумда асосий эътибор Президентимиз бошчилигида 2017 йил июль ойида парламентда ўтган видеоселектор йиғилишидаги маъруза ҳамда парламентга йўлланган Мурожаатномада

белгиланган устувор йўналишларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурлари ижроси, партия олдида турган долзарб вазифалар муҳока-масига қаратилди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Ҳотамжон Кетмонов маъруза қилди.

► Давоми 3-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2018 йил 6 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгиледи:*)

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

1 АҚШ
доллари
8249,97

1 Англия фунт
стерлинги
10700,21

1 Жанубий
Корея вони
7,39

1 Канада
доллари
6294,32

1 Швейцария
франки
8222,02

1 Миср фунти
461,92

1 ЕВРО
9392,59

1 Россия
рубл
124,67

1 Япония
иенаси
72,89

1 Хитой
юани
1197,49

1 БАА дирҳами
2249,36

1 Австралия
доллари
5937,50

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДА ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО АРБИТРАЖ МАРКАЗИНИ (ТИАС) ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

низони халқаро арбитраж орқали кўриб чиқиш учун аризаларни қабул қилиш, шунингдек, эшитувлар ва бошқа процессуал ҳаракатларни ўтказиш замонвий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда онлайн тартибда, арбитраж ва томонларнинг иштирокисиз амалга оширилиши мумкин;

Марказда низоларни халқаро арбитраж орқали ҳал этишда иштирок этаётган томонларнинг вакилларида арбитраж қарорлари Ўзбекистон Республикасининг ваколатли судларида қайта кўриб чиқилганда, шунингдек, Марказда кўриб чиқилаётган арбитраж низолари бўйича ҳар қандай масалалар белгиланган тартибда кўриб чиқилганда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг мавжуд бўлиши талаб этилмайди;

Марказ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда низоларни медиация таъминлаш услулари орқали ҳал этиш ва низоларни ҳал этишнинг бошқа муқобил усуллари қўллаш ҳуқуқига эга;

юридик шахсларнинг Марказда низоли кўриб чиқиш билан боғлиқ арбитраж харажатларини тўлашга йўналтирилган маблағлари қўшилган қиймат солиғидан озод этилади;

Марказ ўз номи туширилган бланк ва думалоқ муҳрга, тижорат банкларида миллий ва чет эл валютасидаги банк ҳисобварақлари эга бўлиши мумкин.

3. Маълумот учун қабул қилинсинки, ЕХТҲ ва БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхоналари томонидан Марказ фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва уни

ташқил этишда кўмаклашишга қизиқиш билдирилган;

4. Белгилансинки: Марказ қоидада унинг фаолиятига халқаро стандартларни жорий этишга кўмаклашиш мақсадида арбитраж соҳасидаги етакчи халқаро ва маҳаллий мутахассислардан, шунингдек, жаҳоннинг эътироф этилган арбитраж марказлари арбитражидан иборат Кузатув кенгаши ташқил этилади;

Марказга Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси томонидан, қоидада кўра, етакчи хорижий халқаро арбитражларда арбитраж сифатида ишлаш тажрибасига эга шахслар орасидан тайинланган раҳбар бошчилик қилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси белгиланган тартибда:

икки ҳафта муддатда Марказ Кузатув кенгаши таркибини шакллантириши;

бир ой муддатда Марказ Қоидалари, тузилмаси ҳамда асосан етакчи хорижий халқаро арбитражларда ишлаш тажрибасига эга ва Марказ Кузатув кенгаши томонидан маъқулланган арбитраж рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш;

бир ой муддатда етакчи халқаро экспертларни жалб этган ҳолда, ушбу қарор ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссиясининг «Халқаро савдо арбитражи тўғрисида»ги намунавий қонуни талабларига мувофиқ «Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш йўналиши яқинлаш ва уни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Марказнинг бюртманомаларига кўра Марказ арбитражлари,

Кузатув кенгаши аъзолари, экспертлар, томонларнинг вакиллари, Марказ зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун жалб этиладиган бошқа хорижий мутахассисларга кириш визалари консуллик ва бошқа йиғимлари ундирмаган ҳолда расмийлаштирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Марказ бюртманомаларига кўра Марказ арбитражлари, Кузатув кенгаши аъзолари, экспертлар, томонларнинг вакиллари, Марказ зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун жалб этиладиган бошқа хорижий мутахассисларга ва уларнинг оила аъзоларига визалар муддати узайтирилишини, шунингдек, улар вақтинча яшайдиган жойда вақтинчалик рўйхатга олиш ва унинг муддатини узайтиришнинг давлат божини ундирмаган ҳолда белгиланган тартибда таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Тошкент шаҳри, Исом Каримов кўчаси, 11-уй манзилида жойлашган бинонинг Савдо-саноат палатасига Марказни жойлаштириш учун бегараз асосда берилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Марказни белгиланган тартибда имтиёзли асосда зарур алоқа воситалари билан ҳамда юқори тезликдаги интернет тармоғига улаштириш таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2018 йил 5 ноябрь

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ХАЛҚАРО ҲУНАРМАНДЧИЛИК ФЕСТИВАЛИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

4. Савдо-саноат палатаси, «Хунарманд» уюшмаси ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлигининг уларни Фестивални ташқил этиш ва ўтказиш бўйича масъул этиб белгилаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

хорижий давлатлардан маҳоратли хунармандлар, амалий санъат усталари, мутахассислари, соҳа олимлари ва фахрий меҳмонларни Фестивалга таклиф этишда Савдо-саноат палатаси ва «Хунарманд» уюшмасига амалий ёрдам кўрсатсин;

Фестивалга таширф буюрувчи меҳмонлар учун Савдо-саноат палатаси ва «Хунарманд» уюшмасининг бюртманомаларига биноан Ўзбекистон Республикасига кириш визаларининг белгиланган тартибда консуллик ва бошқа йиғимлари ундирилмасдан расмийлаштирилишини таъминласин.

6. Фарғона вилояти ҳокимлиги Қўқон шаҳрида кенг кўламлиги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилишини, Фестиваль ўтказиладиган саҳна майдонлари ва жойлар талаб даражасида тайёрлашни таъминласин.

7. Маданият вазирлиги Савдо-саноат палатаси, «Хунарманд» уюшмаси ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда Фестивалнинг тантанали очилиш маросимини ҳар томонлама пухта ва бадиий жиҳатдан бетакорор усулда тайёрлаш учун юксак профессионал маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, уста хунармандлар, саҳна расомлари, истеъодли ёш санъаткорларнинг кенг жалб этилишини таъминласин.

8. Савдо-саноат палатаси, «Хунарманд» уюшмаси Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Бадиий академияси билан биргаликда:

Фестиваль доирасида Қўқон шаҳридаги марказий майдоннинг ён атрофида хунармандчилик санъати оид турли кўргазмалар, хунармандчилик буюмлари, тасвирий ва амалий санъат асарлари, қадимий хунармандчилик дастгоҳлари ва маҳсулотларини яратиш жараёнлари, хунармандчиликка оид бадиий ва ҳужжатли фильмлар, китоблар, альбомлар, фотосуратлар намойиши ва уларнинг сотуви ташқил этилишини;

Фестиваль дастури ишлаб чиқирилиши ва унинг Фестиваль

дан уч ой аввал туристик ташкилотларга тақдим этилишини, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ижтимоий тармоқларда жойлаштирилишини;

Фестиваль доирасида миллий либослар кўргазмалари, қишлоқ, аския ва қишлоқлар, фольклор ва дорбозлик жамоаларининг томоша дастурлари намойиш этилишини;

Фестивалнинг туризм календарь режасига киритилишини ҳамда хорижий сайёҳларни Фестивалга жалб қилиш чоралари кўрилишини таъминласинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Фарғона вилояти ҳокимлиги Фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлар учун меҳмонхоналардан жой ажратиш чораларини кўрсинлар.

10. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти Фестиваль қатнашчиларини Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва «Хунарманд» уюшмаси бюртманомаларига мувофиқ, белгиланган тартибда авиа ва темир йўл чипталари билан таъминлаш чораларини кўрсинлар.

11. Фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ташқилий қўмита томонидан ишлаб чиқилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган смета асосида қўйидаги тартибда:

50 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан;

50 фоизи — Фарғона вилояти маҳаллий бюджетининг қўшимча маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳоимийлик хайриятлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан қоплансин.

12. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Фестивалнинг хорижий қатнашчиларини қўтиб олиш, жойлаштириш ва уларни Қўқон шаҳрига юборишни ташқил этсин.

13. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Дунё» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2018 йил 1 ноябрь

Ш.МИРЗИЁЕВ

СЕМИНАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш, таълим соҳасини такомиллаштириш, тизимга замонвий ахборот технологияларини кенг жорий этиш мақсадида «Microsoft» компанияси томонидан Халқ таълими вазирлиги ва ташкилотлари ходимлари учун семинар ўтказилди.

ТАВСИЯ ВА ТАЖРИБА



Ушбу семинарни Буюк Британиянинг таълим соҳасидаги жаҳонга машҳур ахборот технологиялари консалтинг «Hable Education» компанияси мутахассислари Сара Манн ва Гарри Трейнор олиб боришди. Семинар мавзуси «Project Management Resource Kit» (PMRK) деб номланиб, таълим соҳасидаги мутахассис ва раҳбарларга катта лойиҳаларни самарали тарзда

амалга оширишда ёрдам беради.

Ҳозирги кунда Буюк Британияда лойиҳаларни бошқариш учун «de facto» стандарт кенг қўлланилмоқда. Ушбу стандарт таълим соҳасини технологиялар орқали марказлаштиришга ёрдам берапти.

Семинарда Халқ таълими соҳасида амалга оширилган режалар ва натижаларнинг таҳлили яратиш, ҳаётга қандай татбиқ этиш, лойиҳаларнинг бошқарув тизимларини тузиш масалалари кўриб чиқилди. Британиялик мутахассислар илғор дастурдан фойдаланиш юзасидан амалий тавсиялар беришди, тажриба билан ўртоқлаштишди.

Шахноза РЎЗИЕВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2019 йилдан бошлаб Давлат бюджетини прогноз йил учун ва бюджет мўлжалларини келгуси икки йил учун тасдиқлаш орқали бюджетни ўрта муддатли режалаштириш механизми жорий этилаётгани таъкидланди.

Солиқ ва бюджет сиёсатини такомиллаштириш, бюджетлараро муносабатларни янада мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, аҳолининг муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашнинг манзиллилигини оширишга қаратилган тизимни яратиш, иш ҳақи ва бошқа тўловларнинг инфляцияга таъсирини баҳолаш асосида табаклаштирилган ҳолда ошириш юзасидан олиб борилаётган чора-тадбирларни 2019 йилда ҳам давом эттириш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон Фармони билан тасдиқланган солиқ сиёсатини такомиллаштириш Концепциясининг асосий йўналишлари доирасида 2019 йилдан эътиборан:

1) иш ҳақи фондига солиқ юки қуйидагича камайтирилмоқда: жисмоний шахслардан олинган даромад солиғининг ягона ставкасининг 12 фоиз миқдоридан ўрнатилиши ва фуқароларнинг мажбурий суғурта бадалларининг (иш ҳақидан 8 фоиз) бекор қилиниши натижасида «қўлга» тегадиган иш ҳақи миқдори ўртача 6,5 фоизга ошад;

иш ҳақи фондидан ягона ижтимоий тўлов миқдори 12 фоизгача пасайтирилмоқда;

2) давлат мақсадли жамғармаларига айланмадан (оборотдан) 3,2 фоиз миқдоридан ундирилган мажбурий ажратмалар бекор қилинмоқда;

3) юридик шахсларнинг фойда солиғи ставкалари 14 фоиздан 12 фоизгача, тижорат банклари учун — 22 фоиздан 20 фоизгача, дивиденд ва фойз кўринишидаги даромадлар бўйича тўлов манбаидан солиқ — 10 фоиздан 5 фоизгача, юридик шахслар мол-мулк солиғи — 5 фоиздан 2 фоизгача пасайтирилмоқда.

Мазкур чоралар натижасида ҳўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар ихтиёрида қарийб 10 триллион сўм маблағ қолади.

Ушбу чоралар билан бир қаторда йиғилиш қатнашчилари томонидан ресурслардан оқилона фойдаланиш ва бюджетга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлашга йўналтирилган солиқ сиёсатини такомиллаштириш соҳасидаги қўшимча тақдирлар атрофида кўриб чиқилди, жумладан:

мулқ миқдорларда белгиланган солиқ ставкаларини индексация қилиш (ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, акциз солиғи);

сигарета учун акциз солиғи бўйича қатъий белгиланган ставка билан бир қаторда адвалор ставкасини жорий этиш;

якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари ва меҳнат фаолиятининг ҳисоби юритилиши мураккаб бўлган шахслар учун фуқароларнинг суғурта бадаллари ўрнига ягона ижтимоий тўловларни жорий этиш (суғурта бадалларининг бекор қилиниши сабабли);

айрим турдаги фойдали қазилмалар (қум, оҳак, шағал ва бошқалар) учун ер қазирдан фойдаланганлик учун солиқ бўйича мулқ миқдорларда қатъий белгиланган энг кам ставкаларни киритиш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини харажатларида қабул қилинган давлат дастурлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг амлакатимиз ҳудудларига қилган таширфлари яқиндаги бўйича берган топириқлари, шунингдек, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тадбирларини амалга ошириш учун зарур бўлган маблағлар назарда тутилган.

Олдинги йиллар каби 2019 йилда ҳам устувор йўналиш сифатида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари (Давлат бюджетини жами харажатларининг 54 фоизи) сақлаб қолинмоқда. Шунингдек, иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорларини ошириш, шу жумладан, 2019 йил 1 январдан:

умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ва раҳбарлари иш ҳақларини 10 фоизга, малака тоифасига эга бўлган ўқитувчиларнинг иш ҳақларини эса табаклашган ҳолда 15 фоиздан 25 фоизгача;

меҳнатига кам ҳақ тўланадиган бюджет соҳасида ишловчи ходимлар

иш ҳақларини 5 фоиздан 15 фоизгача ошириш кўзда тутилмоқда.

Таклиф этилаётган чоралар бюджет соҳасида меҳнат қилаётган 360 мингдан ортиқ ходимларни қамраб олиши айтиб ўтилди. Мисол учун, бюджет ташкилотининг энг паст ойлик олувчи техник ходимларининг иш ҳақлари, устама ва қўшимчалардан ташқари, 502 минг сўмдан 577 минг сўмгача оширилди.

2019 йилги бюджетда олий таълим муассасаларининг ўқитувчилари ва илмий-тадқиқот институти илмий ходимлари ҳамда уларнинг раҳбарлари иш ҳақларини 1,5 баробарга, давлат муассасаларининг тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг иш ҳақларини ўртача 26,5 фоизга (2018 йилнинг 1 декабридан 20 фоизга оширилишига қўшимча равишда) ошириш кўзда тутилган. Шу билан бирга, бюджет соҳасида ишловчи ходимларнинг иш ҳақларини инфляция даражасидан кам бўлмаган миқдорда ошириш ҳамда ижтимоий нафақаларни молиялаштиришга мўлжалланган маблағларни 20 фоизга ошириш ҳисобга олинган.

Инвестиция харажатлари 11,9 триллион сўм миқдоридан режалаштирилмоқда. Ушбу маблағлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорлари билан белгиланган стратегик муҳим лойиҳаларни, шу жумладан, ичимлик суви таъминоти, сув ҳўжалиги объектларини, транспорт-коммуникация инфраструктураларини ҳамда таълим ва тиббий-ижтимоий муассасаларни ривожлантириш ва реконструкция қилиш дастурларини амалга оширишга йўналтирилди.

Шунингдек, йиғилишда 2019 йилда 12 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилаётган соғлиқни сақлаш соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, тиббиёт муассасаларини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан ўз вақтида таъминлаш мақсадида қарийб 1 триллион сўм, соғлиқни сақлаш соҳасидаги асосий дастурларни амалга ошириш учун 661,5 миллиард сўм, замонвий диагностика, лаборатория ва даволаш ускуналари билан жиҳозлашга 58 миллиард сўм маблағ ажратилмоқда.

Ягона ижтимоий тўлов миқдорининг пасайтирилиши ва фуқаролар-

нинг мажбурий суғурта бадаллари ва айланмадан (оборотдан) тўланадиган мажбурий ажратмаларнинг бекор қилиниши муносабати билан юзага келган бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг таққилигини қоплаш ҳамда пенсия ва нафақаларнинг ўз вақтида сўзсиз тўлинишини таъминлаш мақсадида 4,7 триллион сўм миқдоридagi субсидия бюджет харажатларида кўзда тутилган.

Арзон уй-жойлар қуриш бўйича дастурларни молиялаштиришда иштирок этадиган банкларга кредит линиялари очиш харажатларига 3 триллион сўм миқдоридан маблағлар режалаштирилмоқда.

Бюджет жараёнининг шаффофлиги ва ошқоралигини таъминлаш мақсадида Молия вазирлигига жорий йилнинг 15 ноябрга қадар «Фуқаролар учун бюджет» лойиҳасини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш учун вазирлиқнинг расмий сайтига жойлаштириш бўйича зарур чораларни амалга ошириш юзасидан топириқ берилади.

Муҳокамалар давомида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, вазирлик ва идоралар раҳбарларининг қўн тартибдаги масалалар бўйича ҳисоботлари эшитилди.

Вазирлик ва идоралар, ҳўжалик раҳбарламалари ва ичрочи органлар билан халқаро бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш, бюджет даромадларининг ўз вақтида ва тўлиқ тушумини таъминлаш, ҳудудлардаги давлат солиқ ва молия органлари бўлимларига бюджет даромадлари базасини кенгайтириш ва қўшимча захираларни аниқлаш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Муҳокамалар якуни бўйича Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил учун асосий макроеқтисодий бўйсаткичлар прогнози, солиқ ва бюджет концепцияси, Давлат бюджетини лойиҳаси ва 2020-2021 йиллар учун мўлжалланган прогноз кўрсаткичларини маъқуллаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига тақдим этиш юзасидан қарор қабул қилинди.

ЎЗА

АЙРИМ ДЕПУТАТЛАР ҚЎЛ КЎТАРИШДАН НАРИГА ЎТМАЯПТИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши пленуми танқидий руҳда ўтди



— Мамлакатимиз раҳбари маърузаларида давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, иқтисодиётни либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, ўзаро манфаатли ташқи сиёсат масалаларида илгари сурилган ғоялар ва бу жабҳада белгилаб берилган вазифалар парламентимиз ва сиёсий партиялар фаолиятига янги чалғишларни қўйди, — деди **партия етакчиси**. — Таъкидлаш лозимки, билдирилган танқидий-таҳлилий фикрлар партиямизнинг мақсад ва вазифаларини самарали амалга ошириш, электрот манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш учун мустаҳкам замин яратди. Фаолиятимизни электрот манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик ташаббуслари билан чиқиш; ҳудудларда аҳолини ўйлантираётган муҳим масалаларга ечим топиш ҳамда дастурларнинг ижроси юзасидан депутатлик ва парламент назоратини олиб боришга йўналтирдик.

Хусусан, фракциямиз, жойлардаги партия гуруҳлари томонидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари ҳамда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирликлари, уларнинг ҳудудий бошқармалари, бўлиmlарининг ҳисобот ва ахборотларини ҳар чоракда эшитиб бориш йўлга қўйилди. Ушбу эшитувлар якуни бўйича Қонунчилик палатаси Дастурнинг ҳудудлар ва тармоқлар қисмида сўзсиз бажарилишини таъминлаш, бу йўналишда депутатлар корпуси ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш, кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантиришни рағбатлантириш ҳисобига иш ўринларни яратиш, келгуси йиллар учун мўлжалланган дастурларни ишлаб чиқиш механизмларини янада такомиллаштиришга қаратилган тегишли қарорлар қабул қилинди. Қонун лойиҳалари бўйича фракция аъзолари томонидан партия дастурий мақсад ва ғоялари ақс этган 300 дан ортиқ тақлифлар ишлаб чиқиш, масъул кўмиталарга тақдим этилди. Эътиборлиси, билдирилган тақлифларнинг 200 га яқини инobatга олинди.

Парламент назоратининг янги шакли бўлган «Хукумат соати»га фуқароларни ўйлантираётган долзарб масалалар кiritилмоқда. Жойларда янги иш ўринлари яратиш борасидаги камчиликлар, ахборотлардаги расмийлаштирилган ва аҳолини безовта қилаётган бир қанча муаммолардан келиб чиқиб, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг ахбороти эшитилди.

Ўтган давр мобайнида фракциянинг назорат-таҳлил фаолиятига оид ишлари ҳам муҳим аҳамият касб этди. «Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун ижроси ҳамда «Қонун ҳужжатларига мувофиқ ногиронлиқни белгилаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар ва истиқболдаги режалар тўғрисида» Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси раҳбари, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси билан биргаликда Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болаларнинг қону-

ний манфаатларини ҳимоя қилиш, етим болаларнинг яшаш, таълим олиш ҳуқуқларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан халқ таълими вазирлигининг ўринбосарининг ахборотлари эшитилди.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари ташаббуслари билан Бандлик ва меҳнат муносабатлари ҳамда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг ҳудудий бошқарма ва бўлиmlари фаолияти билан боғлиқ 180 масала партия гуруҳларида, 115 масала доимий комиссияларда ҳамда 68 масала сессияларда кун тартибига киритилиб, улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Ногиронлар, Кўзи оғизлар, Карлар жамиятлари, «Нуроний» жамғармаси, Ногиронлар ассоциацияси билан ҳамкорликда меҳнат ва уруш фахрийлари пенсияларини, «Саховат», «Мурувват» ва «Меҳрибонлик» уйлари, ногирон болалар учун мактаб интернатларидаги таълим сифати, уларнинг моддий-техник базаси, тиббий хизмат кўрсатиш каби масалалар ўрганилди. Аниқланган 67 масала партия гуруҳларида, 46 масала доимий комиссияларда ва 33 масала сессияларда кўрилди.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида «марказ — вилоят — туман» тизими жорий этилди. Бунда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари иш услубини вилоят Кенгашига, вилоят Кенгаши тахрибасини эса туман-шаҳар Кенгашларига етказиш йўлга қўйилди. Қонун лойиҳаларини маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларида ва партия фаоллари иштирокида кенг муҳокама қилиш, ҳулоса ва тақлифлар олиш механизми яратилди. Шунга кўра, 40 дан ортиқ қонун лойиҳалари жойларда муҳокама қилиниб, улар бўйича олинган 250 дан ортиқ фикр-мулоҳазалар умумлаштирилди ва фракцияга тақдим этилди, — деди Х.Кетмонов.

Айтиш кераки, партиямиз ҳар бир йўналишни қайта кўриб чиқиб, «йўл хариталарини» тўзди. Шунга кўра, асосий эътибор халқ билан мулоқот қилиш, ҳонадонма-ҳонадон юриш, Жамoатчилик қабулхоналари ишини замонавий қарашлар асосида ташкил қилиш, жойларда режа-графиклар асосида сайёр қабулларга чиқиш би-

ринчи галдаги вазифалар этиб белгиланди. Натижада 12 000 нафарга яқин фуқаро билан мулоқотлар ўтказилганда 6 806 масала кўтарилди. Уларнинг 72 фоизи ижобий ҳал этилди.

Президентимиз томонидан қабул қилинган қарор ва фармонлар, йиғилишлар, маърузаларда белгиланган устувор вазифалар ҳамда юртимизда амалга оширилаётган муҳим сиёсий жараёнлар юзасидан партиянинг Марказий ва маҳаллий кенгашлари томонидан сиёсий ўқувлар ўтказилди. Ушбу ўқув-машғулотлари учун 10 номдаги ўқув услубий қўлланма, ёрдамчи услубий материаллар ва маъруза матнлари тайёрланиб, жойларга фойдаланиш учун юборилди.

Партия тизимида хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш йўналишлари фаолияти танқидий таҳлил қилиниб, хотин-қизларни қийнаётган муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш ҳамда ёшлар билан ишлаш борасида мақсадли лойиҳаларни ўз ичига олган алоҳида «йўл харитаси» ишлаб чиқилди. Уни республиканинг туман (шаҳар)лари, қишлоқ ва овулларида босқичма-босқич амалга ошириш вазифаси белгилаб берилди.

Маълумки, БПТлар партия ишини кўрсатиб берадиган муҳим бўлинча ҳисобланади. Шунинг учун уларнинг ишини такомиллаштириш доимий диққат марказимизда. Масалан, минтақаларда ҳафтанинг ҳар пайшанба кунини «БПТлар билан ишлаш кунини» сифатида жорий этилди. Ҳозирга қадар 800 га яқин бошланғич таъкилотлар билан алоқаи тиклашга эришилди, — деди **партия раҳбари**.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳали эътибор қаратишимиз керак бўлган масалалар оз эмас. Жумладан, партиямизнинг дастурий мақсад ва ғояларини тарғиб қилишда (Марказий Кенгашдан тортиб вилоят кенгашларигача) **мафкуравий ишлар талаб даражасида эмас. Ушбу йўналишдаги базис тадбирларимиз мазмун-моҳияти жиҳатидан кўпроқ маданий-маърифий, кўнгилочар тадбирларга ўхшаб қолмоқда**. Ваҳоланки, тадбирларда биринчи даражада партиянинг сиёсий позицияси ўз ифодасини топиши керак. Оммавий ахборот воситаларида чиқишлар ҳам сусайиб кетмоқда. **Айниқса,**

юртимизда кечаётган кенг ижтимоий-сиёсий ислохотлар, муҳим сиёсий воқеалар ҳамда қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан партиянинг муносабатини билдириш бугунги кунда биз хоҳлаган талабда ташкил этилмаёпти. Марказий Кенгаш Ахборот хизмати талаби билан берилган муносабатларда ҳам партия масъул ходимларининг шахсий фикрлари ақс этмаётгани кузатилмоқда.

Депутатлик бирлашмаларининг ҳаммаси ҳам жойларда аҳоли вакиллари билан учрашиб, аниқ ҳолатни ўрганиш, ижро ҳокимияти устидан парламент ва депутатлик назоратини олиб бораётиш, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича депутатлик сўрови институтидан самарали фойдаланмаяпти. Зотан, партиянинг сайловларда берган ваъдаларини амалга оширувчи ҳақиқий куч бу — депутатлик корпуси ҳисобланади. Айрим депутатлар ўз ваколатлари ва масъулиятини ҳамон тўлиғича англаб олмаёпти: на бир масала юзасидан аниқ ташаббус, на сайловчилари билан мулоқоти бор... Улар Кенгашлардаги сессия ва доимий комиссия йиғилишларида кўштарик этиб, қўл кўтариб, тасдиқлаб беришдан бошқасига ярамаёпти.

Партиянинг ёшларга оид сиёсатини юргизишда ҳам ҳанузгача эскича қараш ва тадбирбозликдан воз кечилмаяпти. **Кадрлар билан ишлаш масаласидаги фаолиятимиз ҳам айтарлиқ даражада қониқарли эмас. Хусусан, кадрлар захирасининг номига шакллантирилгани, уларнинг ўқуви ташкил этилмаётгани бу борадаги ишларни жонлантиришни талаб этади.**

Ушбу камчиликлардан келиб чиқиб, пленумда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш тақлиф этилди:

Биринчидан, партиянинг мафкуравий ишларини янада жонлантириш, интерфаол машғулоти, дебат ўтказиш усуллари, тарғиботнинг замонавий технологияларини чуқурроқ ўрганиш; **Иккинчидан**, электрот манфаатларига дахлдор масалаларни вакиллик органларига олиб чиқиш ва ҳал этишда депутатлик гуруҳларимизнинг ташаббускорлигини ошириш;

Учинчидан, депутатларнинг ўз сайловчилари билан мулоқот қилиш бўйича масъулиятини ошириш, ижрочи котиблар билан биргаликда партия гуруҳлари аъзоларининг муносабатини шакллантириш;

Тўртинчидан, партиянинг ёшлар сиёсатини амалга ошириш юзасидан қабул қилинган «Стратегия»нинг ижросини тўлиқ таъминлаб бориш;

Бешинчидан, хотин-қизлар ўртасида олиб борилаётган ишларни фаоллаштириш, бунда, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган опа-сингилларимиз манфаатларини ҳимоя қилиш ишларини жадаллаштириш;

Олтинчидан, кадрлар салоҳиятини ошириш, партия сафига салоҳиятли, обрў-эътиборга эга бўлган кадрларни жалб этиш ҳамда вакиллик органларига кўрсатиладиган номзодлар базасини шакллантириш;

Еттинчидан, моддий-техник базани тиклаш юзасидан тасдиқланган «йўл харитаси» ижросини тўлиқ таъминлаш.

Кўриб турганимиздек, барчамизнинг олдимишга аниқ вазифалар қўйилмоқда. Шулардан келиб чиққан ҳолда, минтақавий кенгашлар депутатлик гуруҳлари билан биргаликда, ушбу йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар режасини аниқ белгилаб олишлари ва изчиллик билан ижро этишлари талаб этилади. Шунинг учун таъкилотларимиз керакки, бу борадаги фаолиятимиз, илгари сурадиган ғоя ва ташаббусларимиз нафақат электоратимиз манфаатларини таъминлашга, балки партиямизнинг жамиятдаги нуфузини оширишга хизмат қилади, деди **Х.Кетмонов**.

Пленум якунлангандан кейин айрим иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.



Мақсуд НУРУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ХДП Навоий
вилоят кенгаши раиси:

— Пленум давомида билдирилган фикр-мулоҳазаларни тинглаб, фаолиятимизнинг барча йўналишларида ҳали амалга оширишимиз лозим бўлган ишлар кўплигини ан-



Раҳимберган ЮСУПОВ,
Ўзбекистон ХДП Хоразм
вилоят кенгаши раиси:

— Пленум давомида ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифаларга ҳам тўхталиб ўтилди. Хоразм вилоят ҳамда туман (шаҳар) партия кенгашлари томонидан ҳудуддаги барча ногиронлиги бўлган шахслар рўйхати, уларнинг манзиллари тўғрисидаги маълумотлар шакллантирилди. Улар ҳолидан хабар олиш орқали муаммолар ўрганилмоқда ҳамда камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, бугунги кунда Хоразм вилоятида жами 35541 на-



Мавжуда ҲАСАНОВА,
Ўзбекистон ХДП Сурхондарё
вилоят кенгаши раиси:

— Партия кенгашлари ходимлари ва депутатларнинг масъулиятини кучайтириш, уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш алоҳида аҳамият касб этишини таъкидламоқчиман. Чунки ҳар биримиз ўз вазифамизни



Равшан АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ХДП Наманган
вилоят кенгаши раиси:

— Ўтган даврда халқ депутатлари Навоий вилоят ва туман Кенгашларидаги ЎЗХДП гуруҳи аъзолари ташаббуси билан муайян ишлар амалга оширилди. Лекин бугунги кун талабига кўра, натижалар билан мактанмасдан, фаолиятимизга танқидий-таҳлилий қараш талаб этилади.

Яна бир масала. Партиямиз етакчиси маҳаллий Кенгашлардаги базис депутатлар билан алоқа ўзилиб қолганини таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам, ҳали партия ташкилоти ходими ёки ҳудуддан сайланган депутат би-

ладим. Масалан, ишлаш учун хорижага чиқиб кетаётган ёшларимиз тақдирини билан қанчалик қизиқяпмиз? Уларнинг фикрлари, ўйлари, ҳаёт тарзини ўрганиб, муаммоларнинг ечимини бўйича амалий натижага эришга олимпиадизми? Саволлар кўп. Жавоблар эса бизни қониқтирмайди.

Шунингдек, тадбир ўтказишни режалаштирганимизда расмийлаштирилган қўчиб, юзма-юз самимий суҳбат курси бўладиган муҳитни юзага келтиришга ҳаракат қилишимиз лозим. Хулқида ўзгариш бор йигит-қизлар билан ҳам шунчаки гаплашмасдан, психологлар, мутахассислар кўмагига таяниш зарур бўлади.

Яна бир муҳим жиҳат. Бандликни таъминламасдан туриб, ҳудудлардаги муаммоларга ечим топиш мушкул. Навоий вилоят кенгаши бу борада қатор ишларни амалга оширмоқда. Ҳамкорликда меҳнат ярмаркалари ташкил этилмоқда. Афсуски, бундай ярмаркалар кутган натижага бермаётганини тан олишимиз керак. Бу эса янгича ёндашувлар вақти келганини аңглатади.

фар фуқаро турли тоифадаги ногиронлик бўйича рўйхатда туради. Шундан 5952 нафари ўн олти ёшгача бўлган болалардир. Уларнинг 1473 нафари 17 та махсус мактабга таълим муассасаларида тарбияланмоқда. 2315 нафари умумий ўрта таълим мактабларида, 921 нафари уйда якка тартибда, 1487 нафари ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатларида таҳсил олади. 534 нафари эса тиббий ҳулоса асосида таълимга лаёқатсиз, деб топишган. Эндиги масала эса ногиронлиги бўлган ўқувчиларни ўқув қуроллари ҳамда дарсликлар билан етарли даражада таъминлашдир. Бу борада халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларидаги партия гуруҳлари йиғилишларида 16 та, доимий комиссиялар йиғилишларида 11 та масала кўриб чиқилиб, 5 таси сессия муҳокамасига киритилган. Тегишли қарорлар қабул қилиниб, айни вақтда ижроси назоратга олинган.

Ўтган ўқув йилида ўрта махсус ўқув юрларини 17 нафар ногиронлиги бўлган ёш битирган бўлса, шундан 9 нафари партия кўмагида ишга жойлаштирилди. Депутатларимиз ташаббуси ва тақлифлари асосида Урганч давлат университетининг талабалар турар жойида истиқомат қилувчи ногиронлиги бўлган талабаларнинг ётоқхонада яшаш учун тўловлар қамайтирилди.

Албатта, кимдирга нимадир олиб бериш билан муаммо тўлиқ ҳал бўлиб қолмайди. Масаланинг асл моҳиятини англаб, келажакда бошқа инсонлар ҳам шу муаммага дуч келишининг олдини олишимиз керак.

сидкидилан, масъулият билан бажарсак, партиямизнинг обрўси ошишига, электоратимиз ишончини қозонишга хизмат қилган бўламиз.

Жорий йилнинг ўтган даврида Сурхондарё вилоят, туман, шаҳар партия кенгашлари томонидан 800 нафардан ортиқ оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган хотин-қиз холидан хабар олинди. Мулоқот мобайнида 400 дан ортиқ муаммолар аниқланиб, 336 тасининг ижобий ечимига эришилди. Шунингдек, 500 нафарга яқин хотин-қиз ишга жойлаштирилди. 86 нафари ўз ишини очиб, томоғида ишлаш, паррандачилик билан шугулланиш учун банклардан кредит олишди. 72 нафарига эса оилавий тадбиркорлигини бошлашига кўмак берилди.

Албатта, юқорида келтирилган рақамлар билан мактабни бўлмайди. Вилот микёсида ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар оз эмас. Масалан, хотин-қизлар бандлиги масаласи. Бу ижтимоий аҳамиятга эга муҳим вазифа. Янги тақлиф, янги ёндашувлар керак.

рор марта учрашмаган қанчадан-қанча ишсиз аҳоли, ёшлар, хотин-қизлар бор. Афсуски, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш, мамлакатимиздаги ўзгаришлар жараёнига фаол жалб этиш бўйича депутатлик корпусларининг таъсири сезилгани йўқ.

Шу ўринда савол туғилади: бундан кейин одамлар пуч ваъдаларга эргашмаслигини улар билишмайдими? Бугун одамларнинг кайфияти, дунёқароши бутлақча ўзгарган. Сайловчилар энди амалий ишларга қараб баҳо беришни ўрганмоқда. Ҳамон мудроқ кайфиятда юрган депутатларимизни огоҳликка қаҳиришимиз лозим. Шунингдек, кейинги сайловлар ишга виждонан ёндашадиган, эл орасида обрў қозongan инсонлар номзодини кўрсатиш муҳим вазифадир.

Кунинг иккинчи ярмида пленум иштирокчилари Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил тоналган сана муносабати билан ташкил этилган байрам дастурига тақлиф этилди. **Партия Марказий Кенгаши раиси Х.Кетмонов йиғилганларни партиянинг 27 йиллиги билан самимий табриклаб, бир гуруҳ фахрийлар, фаол депутат ва ходимларга эсдалик совғалари топширди. Санъаткорларнинг гўзал кўй-кўшиқлари кўнгилларни хушнуд этди.**

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
Махлий АЛИҚУЛОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.



ХАЛҚАРО ТОҒ ТУРИЗМИ

ноёб ва табиий гўзаллиги билан жозибали. Имкониятлари кенглиги, иқтисодий фойдаси катталиги билан эътиборга молик.

АҚШнинг Ўзбекистон тоғлари шароитига ўхшаш қояли тоғларидаги Сенте-фе ва Ҳиндистоннинг Лорджини баланд тоғли курортлари дунёга машхур. Лекин иқлим шароити, жойнинг рельефи, ноёб комплекс табиий шароити бўйича Зоминсув дарёси ҳавзасидаги Супа платоси дунёдаги мавжуд кўпгина тоғ-спорт марказларидан юқори туради.

Туризм дунёдаги кўпгина давлатлар иқтисодиётининг муҳим даромад манбаига айланиб улғурди ва жуда тез ривожланмоқда. Бутунжаҳон туристик таъкилотини табиий ва тарихий меросларни ўз аслича сақлашдан манфаатдор, табиий ва маданий объектлардан самарали фойдаланиш ва уларни ривожлантиришни, рағбатлантиришни таъкилот этишига қодир бўлган ягона таъкилотдир.

Хозирги вақтда дунёнинг 140 дан ортик мамлакатлари халқаро туризм марказига айланиб улғурди ва жуда тез ривожланмоқда. Бутунжаҳон туристик таъкилотини табиий ва тарихий меросларни ўз аслича сақлашдан манфаатдор, табиий ва маданий объектлардан самарали фойдаланиш ва уларни ривожлантиришни, рағбатлантиришни таъкилот этишига қодир бўлган ягона таъкилотдир.

Туризм дунёдаги кўпгина давлатлар иқтисодиётининг муҳим даромад манбаига айланиб улғурди ва жуда тез ривожланмоқда. Бутунжаҳон туристик таъкилотини табиий ва тарихий меросларни ўз аслича сақлашдан манфаатдор, табиий ва маданий объектлардан самарали фойдаланиш ва уларни ривожлантиришни, рағбатлантиришни таъкилот этишига қодир бўлган ягона таъкилотдир.

районлари бўлиб қолди. Айниқса, Аляска, Канада тоғларида, Гренландия бўйлаб туристик маршрутлар жуда машхур бўлиб, ҳар йили 1,5 миллион дан ортик турист боради. Россиянинг Олтой, Тебер, Урал ва Бошқир тоғларида кўп кунлик отда юриш туристик маршрутлари ривожланган.

Шимолли Туркистон тоғ ён бағрида қўллаб машхур горлар бўлишига қарамайдан, улардан бирортаси туристик экскурсия ташкил этиш учун ҳали жиҳозланмаган.

Ўзбекистон тоғли районларининг рекреацион ресурсларидан фойдаланиш ва туризмни ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири — бу қулай иқлим шароити, тоғ ва баланд тоғ зоналарини қоплаган тоғ арча ўрмонлари, субальп ва альп ўтлоқлари, қуруқ иқлим ва соф ҳаво, озон, ҳавони ҳар хил касалликлардан тозаловчи фиторитонг энгил учувчи бирикмалар, узок давом этувчи қулай ҳарорат шароити ва қуёшли кунларнинг кўпчилиги, организм учун оптимал нисбий намлик ва бошқа иқлим омиллари кўрсаткичлари бўйича Урта денгиз рекреацион имкониятларидан кам эмас. Бу ерда иқлим билан доволаш ва дам олишни ташкил этиш учун мақбул имкониятлар бисёр.

Ўзбекистон тоғли районларида 60 дан ортик минерал сувлар манбалари (булоқлари) топилган. Фарғона ва Сурхондарё водийларида кенг тарқалган олтингургут суви доволаш хусусияти бўйича Кавказдаги машхур олтингургут

сувидан (Сочи, Мацета ва бошқалар) кам эмас.

Афсуски, Ўзбекистоннинг тоғли зоналарида бой туристик рекреацион ресурслар амалда ўзлаштирилмаган. Бунга асосий сабаб туристик базалар ва меҳмонхоналарнинг камлиги ҳамда транспорт инфраструктурасининг яхши ривожланмаганлигидир.

Тўғри, Ўзбекистоннинг тоғли районларида халқаро туристлар учун меҳмонхоналар қуриш анча мураккаб. Тоғ олди текислик районларида қадимги шаҳарларда (Самарқанд, Жиззах, Бухоро, Тошкент ва бошқалар) туристларнинг яшаш учун меҳмонхоналар ва ҳақозолар оз эмас. Айрим жойларда тоғ олди шаҳарларидан тоғли зонага борувчи йўللари ҳам бор. Бунда туристик маршрутлар текисликдан (тарихий ёдгорликлар, воҳалар, сунъий гидротехник иншоотлар ва бошқалар билан танишиб) тоққа (экзотик ландшафтларга) йўналтирилган бўлади.

Шунинг учун биз Ўзбекистонда халқаро тоғ туризмга муносиб куйидаги «текислик-тоғ» маршрутларини таклиф этамиз:

Ўзбекистонда халқаро тоғ туризмни ривожлантиришнинг биринчи маркази Туркистон тизмасининг шимолли ёнбағрида жойлашган Зоминсув дарёси ҳавзасидир.

Кейинги вақтларда бу регион ноёб табиати ва экзотик хусусияти ҳамда тарихий ёдгорликларга бой шаҳарларнинг яқинлиги туфайли чет эл туристларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Айниқса, бу ҳудудга боришнинг осонлиги — Тошкент-Самарқанд электрлашган темир йўли ёқасида жойлашган Даштобод шаҳрининг яқинлиги (Зомин туман марказига 22 км.) билан ҳам қулайдир.

1978 йилда бу ерда ташкил этилган Зомин миллий боғи туристларни табиатнинг аjoyиб ноёб ҳодисалари — тоғ рельефи, чўққилар, шаршара, горлар (20 ортик гор бор), реликт ўсимликлар, арчазорлар, ноёб ҳайвон турлари, нураш натижасида ҳосил бўлган одамсимон шакллар, дунёда кам учрайдиган арид (қургочил) минтақаларга хос бўлмаган супер экзотик карст жараёнлари билан ўзига жалб этади.

Маршрут куйидагича тузилади:

Даштобод — Зомин миллий боғи — Ғўрлаш арчазори — «Қирққиз» — Карст далалари — Бахмал — Авлиё булоғи, Илон ўтди ғори — Пешагор — Зомин. Бу айланма маршрут асфальт йўли билан таъминланган.

Ўзига хос туристик объектларга бой бўлган халқаро туристик объектлардан яна бири Зарафшон тоғларида. Бу ерда 30 дан ортик горлар ва минглаб карст воронкалари бўлиб, туризмнинг айрим соҳаларини ривожланти-

ришга имкон беради. Самарқанд шаҳридан 40 км. жанубда, Самарқанд-Қитоб йўли ёқасида 1220 метр баландликда Омонқўтон ғори жойлашган. Бу ғор 1947 йили СамДУ доценти Д.Лев томонидан очилиб, устия даври қадимги одамлари яшагани аниқланган. Туристлар бу ерда гордан ташқари Омонқўтон дарёси атрофида бир ярим аср аввал инсон қўли билан тоғ ёнбағрида яратилган аралаш ўрмонларини ҳам томоша қилади.

Яна бир маршрут — Самарқанд шаҳридан 50 км. жанубда, Зарафшон тизмасининг сув айирғичида 2200-2300 метр баландликда жойлашган Қирқтоғ платосидир. Плато девон даврининг оҳақтошларидан тuzилган, бу Урта Осиё шароитида карст жараёнларининг кенг, интенсив ва классик ривожланишига мисол бўла олади.

Бу ерда 3000 дан ортик карст воронкалари, 64 бўшлиқ (полость), шу билан бирга 5 та горизонтал ғор, 56 та қудук ва шахталар борлиги аниқланган. Шахтанинг энг чуқури 1080 метр бўлиб, у Ургут ва Қашқадарёнинг Қитоб районини сув билан таъминлайди. Бу карст шахтаси Осиё қитъасидаги энг чуқур табиий ғор ҳисобланади ва дунёнинг энг чуқур ғорлари ўртасида 3-ўринни эгаллайди.

Бу бетакор манзарани кўриш учун чет эллик туристлар Самарқанд-Камонгарон (Ургут райони) қишлоғига борадилар. У ердан Қирқтоғ платосигача от ёки вертолётда бориш мумкин. Бу маршрут чет элликлар учун қимматга тушмайди.

Непал тоғли мамлакатларида туристлар ғуруҳи (15 кишигача) туристик маршрутларга чиқмасдан 2 ой олдин маблаг тўлашни шарт. Тўлов суммаси ғуруҳ учун Эверест жанубий маршрути 70 минг АҚШ доллари, бошқа йўналишлар учун 50

минг АҚШ долларини ташкил этади. Алоҳида туристлар учун эса 8000 метрдан ортигига 10 минг доллар тўланади. Бу ўз навбатида мамлакат миллий иқтисодиётига катта ҳисса қўшади.

Зарафшон водийсида яна бир «текислик-тоғ» туристик манзил — Бухоро-Сармишсой маршрутидир. Туристлар Бухородан ғарбий Нурута тоғларининг жанубий ён бағрида жойлашган Сармишсой водийсидаги тоғ қояларида туширилган қадимги ноёб расмларни томоша қиладилар. Тоғ манзараси ўзининг улғурлиги, тарихий ва табиий ўзига хослигининг такрорланмас гармонияси билан одамни ҳайратда қолдиради. Бу ерда неолит даврида яратилган петроглифлар бир неча мингдан ортиқдир. Сармишсой комплекси тош асри, бронза даври ва дастлабки темир даврига мансуб бўлган 200 дан ортик қадимги ёдгорликлардан тuzилган кремнийли қуроолларни ишлаб чиқиш бўйича устоналар, шахталар, қишлоқ (овулар), қўрғон ва петроглифлардан иборат.

«Текислик-тоғ» тизими бўйича яхши ўйлаб ва илмий асослаб ташкил этилган туристик маршрутларни Қашқадарё, Сурхондарё ва Фарғона водийсида ҳам амалга ошириш мумкин. Чунки бу регионларда ҳам рекреацион имконият катта.


Ўзбекистон бой туристик рекреациявий потенциалга эга. Унинг ҳудудидида ноёб табиий ресурслар, миллий ва дунё аҳамиятига молик маданий-тарихий мерослар мавжуд. Аммо туристик-рекреациявий потенциал юқорилигига қарамайдан ҳозиргача мамлакатимизда туристик имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмапти. Бу имкониятлар тўлиқ ишга солинса, Ўзбекистон ҳар йили 10-15 миллион чет эллик ва маҳаллий туристларни қабул қилиши мумкин.

Ўзбекистонда яна қўшимча туристлар оқимини вужудга келтириш имкониятларидан бири — конгресс туризмни йўлга қўйишдан иборат Самарқанд, Бухоро ва Тошкентда ташкил қилинадиган халқаро конгресс ва конференциялар дастурига Самарқанд-Зарафшон тоғлари тизмасига, машхур Омонқўтон ғорида, Бухорода Сармишсой тоғ массивига экскурсиялар уюштирилади. Жаҳон таърибасидан бунга мисоллар келтирадиган бўлсак, биргина Женевада ҳар йили 200 дан зиёд конференция ўтказилади ва дастур доирасида қўл атрофидаги тоғ маршрутларига саёҳат ташкил қилинади.

Халқаро туризм талабларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон тоғли минтақаларида рекреациявий имкониятларини ишга солиш ва бу йўналишларни илмий асосда жадаллаштириш лозимлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Лапас АЛИБЕКОВ,
Ўзбекистон Республикаси
фан арбоби,
Самарқанд давлат
университети профессори.

Оксана
Чусовитина жаҳон
чемпионатида
тўртинчи бўлди



МОҚ ахборот хизмати хабарига қўра, Қатар пойтахти Доҳада спорт гимнастикаси бўйича ўтган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Оксана Чусовитина ҳам иштирок этди.

Жаҳон гимнастикаси афсонаси ўзининг сеvimли йўналиши ҳисобланган таяниб сакраш машқларида 14,300 очко жамғариб, фахрли тўртинчи ўринни эгаллади.

Оксананинг айтишича, мусобақада имконияти даражасида иштирок эта олмаган. Бунга жараҳати озгина бўлсада халал берган. 2019 йилда Штутгарт (Германия)да бўладиган жаҳон чемпионатида совринли ўринларни қўлга киритиб, Токио-2020 Олимпия ўйинларига йўлланма олишни ташкиллади.

Таяниб сакраш натижалари:
1. Симона Байлз (АҚШ) — 15,366
2. Шаллон Олсен (Канада) — 14,516
3. Алекса Морено (Мексика) — 14,508
4. Оксана Чусовитина (Ўзбекистон) — 14,300.

Халқаро
ҳаваскор бокс
Ассоциацияси

президенти этиб
ҳамюртимиз Ғофур
Раҳимов сайланди.

Бу ҳақда РИА Новости ахборот тарқатди.

Бутун дунё ҳаваскор бокс мухлислари ва мутахассисларининг диққат-эътибори 2-3 ноябрь кунлари Россия Федерацияси пойтахти Москва шаҳрига қаратилди. Бу ерда Халқаро ҳаваскор бокс ассоциацияси (AIBA) нинг Конгресси бўлиб ўтди. 3 ноябрь куни AIBA президентлигига бўлган сайловда ҳамюртимиз Ғофур Раҳимов ва қозогистонлик Серик Қўнакбаев номзодлари қўриб чиқилди.

Ғофур Раҳимов 2018 йил январь ойидан буён ушбу ташкилотнинг президенти вазифасини баҳаруви бўлиб келаётганди. Серик Қўнакбаев эса вице-президент эди. Сайловда 134 делегатдан 86 нафари Раҳимовга овоз берган. Энди у 2022 йилгача AIBAга раҳбарлик қилади.

«Менинг ишончим комил, бокснинг келахаги ёруғ... Биз боксни ривожлантириш бўйича режа ишлаб чиққанмиз. Биз мақсадимизга етамиз. Бокс буюк тарихга эга ва мен ишонаман, биз бу спорт тури учун буюк келахатни ярата оламиз», — деди Раҳимов Конгресс пайтида. Дарҳақиқат, у дунё бокси ривожига катта ҳисса қўшиб келатган мутахассис ҳисобланади.

Ўзбекистон вакилининг нуфузли халқаро бокс ташкилотига раҳбар этиб сайланишини биз спортимиз ҳаётидаги тарихий воқеа сифатида баҳолаймиз ва унинг фаолиятига муваффақият тилаймиз.

Ўз мухбиримиз.

Тошкент шаҳар
спартакиадаси

Тошкент шаҳар спартакиадасида 18 ёшгача бўлган спортчилар бадий гимнастика, таэквондо (ВТФ), кураш, баскетбол, энгил атлетика, қиличбозлик, волейбол, стол тенниси, каратэ, гандбол, сузиш, бокс, спорт гимнастикаси, шахмат, дзюдо, эркин кураш, юнон-рум кураши, бадминтон бўйича ўз маҳоратларини намоиш этишмоқда.


ЎзА



Сармишсой қояларидаги расмлар (петроглифлар)



«Қирқ қиз» ноёб геологик шакллари



Омонқўтон ғори

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihidin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-38-55, 233-47-80.

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba, shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1138. 6423 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220.

O'zA yakuni — 00:45.

Topshirilgan vaqti — 02:30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Bardambek SA'DULLAYEV

Sahifalovchi-dasturchi:

Zafar BAKIROV

Bekzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

772010 763008

Gazetaning elektron sahifasiga ўтиш учун QR-кодни telefoningizni orqali skaner qiling.

1 2 3 5 6